


“ТА СДИҚЛАЙМАН”
“Навоий КМК” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари


Х.Р.Раупов
2024 йил “ 10 ” 04

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши
ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ № 4

Навоий шахри

2024 йил “ 09 ” 04

Раислик қилувчи: И.Қ.Рахматов -Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этди: Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

Таклиф этилди: Е.Данилина – Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси бошлиғи, У.Санакулов – Маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи, Ж.Хайитов – Навоий машинасозлик заводи директори

КУН ТАРТИБИ:

Маҳаллийлаштириш дастури ижроси, бу борада НКМК олдида турган муҳим вазифалар бўйича масъул раҳбарлар иштирокида ўтказилган жамоатчилик эшитуви натижалари тўғрисида

(Рахматов, Раупов, Джуроев, Садриддинов, Данилина, Санакулов, Хайитов, Идиев ... Рахматов)

“Навоий КМК” АЖ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Рахматов йиғилишни очиб, комбинатда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳақида масъул раҳбарларнинг эшитувлари тинглашга кенгаш аъзолари режа доирасида тўпланганини маълум қилди.

Шундан сўнг, “Навоий КМК” АЖ Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси бошлиғи Е.Данилинанинг кун тартибига доир жамоатчилик эшитуви юзасидан ҳисоботи тингланди.

Маърузада таъкидландики, маҳаллийлаштириш дастури комбинатда алоҳида ўрин тутди. Мисол учун, НКМКда 2023 йилда 629,5 млрд сўмлик маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, бу йилги режада янада улкан. Биргина, Навоий машинасозлик заводида 15 турдан ортиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва жорий йилда 1 трлн сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш режа қилинган.

Музокараларда Ж.Хайитов, У.Санакулов, Х.Раупов, Н.Садриддинов ва бошқалар томонидан турли таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Навой КМК” АЖ Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси бошлиғи Е.Данилинанинг кун тартибига доир эшитуви маълумот учун қабул қилинсин.


2. Маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими У.Санакуловга:

- НКМКда 2024 йилда амалга оширилиши лозим бўлган маҳаллийлаштириш дастури ижросини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш;

- бажарилган ишлар юзасидан доимий равишда жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида брифинг, матбуот анжуманлари ва ОАВларда чиқишлар қилиб бориш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Жамоатчилик кенгаши котиби А.Джураев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Джураев